

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
 МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ
 РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

86 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари
 бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотлари-
 ни танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низом-
 га ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1649-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Адлия вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги 01/19-18/08, 37-сон қарори (рўйхат рақами 1649, 2006 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 524-модда) билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштириш, монополиядан
 чиқариш ва рақобатни
 ривожлантириш давлат
 қўмитаси раиси**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
 2014 йил 19 февраль,
 01/19-26/04-сон

Адлия вазири

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 19 февраль,
2-сон

Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси
ва Адлия вазирлигининг 2014 йил
19 февралдаги 01/19-26/04, 2-сон қарорига
ИЛОВА

**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича
мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш ва
мол-мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «7» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин;
тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари
вакили — Комиссия аъзоси;»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб
ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидан «ҳамда статистика ва таҳлил бўйича етакчи инспектор» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «статистика ва таҳлил бўйича масъул бўлинма (ходим)» деган сўзлар «суд қарорларини ижро этиш бўлими бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.